
Ўзбекистон 2030 йилги ёзги Осиё ўйинларига мезбонлик қилиши мумкин

Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигида ўтказилган матбуот анжуманида 2030 йилги ёзги Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш имкониятлари ўрганиб чиқиляётгани айтилди.

13 ноябрь куни Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги томонидан «Жисмоний тарбия ва спорт соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича амалга оширилган ишлар ва истиқболдаги вазифалар» мавзусида оммавий ахборот воситалари ходимлари учун матбуот анжумани ўтказилди. Бу ҳақда вазирлик матбуот хизмати [хабар берди](#).

Анжуман давомида 2018 йил якунига қадар ўтказиладиган 48 та жаҳон чемпионати ва 14 та Осиё чемпионатларида спорт турлари бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоаси аъзоларининг муваффақиятли иштирок этишларини таъминлаш мақсадида пухта тайёргарлик ишлари олиб бориляётгани ҳақида маълумот берилди.

Ҳозирги пайтда 2030 йилги ёзги Осиё ўйинларига мезбонлик қилиш имкониятлари ўрганиб чиқилмоқда. Бунинг учун республикадаги мавжуд бўлган спорт иншоотлари, логистика, транспорт ва меҳмонхона инфратузилмалари қувватларини таҳлил қилиш ва чет эл тажрибасини ўрганиш асосида муносиб спорт инфратузилмасини яратиш масалалари юзасидан ҳукуматга таклифлар киритилади.

Тадбир якунида жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги ислохотларни жамоатчиликка етказишда алоҳида фаоллик кўрсатган бир гуруҳ журналистларга «Жисмоний тарбия ва спорт аълоҳиси» кўкрак нишони топширилди

«Газета.uz»

2018-11-14 17:25:50